



ДУО НУТҚИЙ ЖАНРИ СОЦИОЛИНГВИСТИК ТАДҚИҚОТЛАР ОБЪЕКТИ СИФАТИДА

Хасанова Фотима Мамановна

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети

Аҳмедова Дилором Улуғбековна

Кўрғонтепа туман Қорасув шаҳар 54-умутаълим мактаби

инглиз тили ўқитувчиси

Сўнгги йилларда дуо нутқий жанрига оид тадқиқотлар шуни кўрсатадики, дуо нутқий жанри тил тизимида муайян ўрин эгаллайди¹. Тил тизимида маиший нутқий жанрларнинг лингвистик ва нолингвистик воситалари орқали муайян миллатнинг кадр-қиммат, қизиқишлар, ғоялар, меъёрлар, тамойиллар, анъаналар ва миллий маданий ўзига хос қарашлари аниқланади. Шу сабабли ҳам маиший нутқий жанрларни социоллингвистик таҳлил қилиш орқали муайян давлат, миллат, халқнинг ўзига хос ижтимоий идентификациясини аниқлаш имкони туғилади. Масалан, дуо нутқий жанрида ижтимоий лингвистик (ижтимоий вербал ва новербал кодлар) ва нолингвистик воситалар орқали кодланган лингвистик шакллар мавжуд. Дуо нутқий жанрининг вербал воситаларига дуонинг сўзлар, гаплар орқали ифодаси кирса, новербал воситаларга сўраш нутқий актига хос қўл ҳаракатлари, ният тилаш нутқий актидаги қўл ҳаракатлари, кинетик воситаларга эса пул сўрашда махсус кийим бошларнинг тегишли ҳолати (гадойлар, фақирлар, камбағаллар кийими, диний кийимлар: салла каби) мисол бўла олади.

Шуни айтиш керакки, дуо нутқий жанрини социоллингвистик тадқиқ қилиш дуо нутқий жанрини ўзига хос миллий анъана сифатида тадқиқ қилиш имконини беради. Илмий адабиётларда анъана – ўтмишдан келажакка мерос қоладиган, авлоддан авлодга ўтадиган, жамият ҳаётининг турли соҳаларида намоён бўладиган моддий ва маънавий кадрият, дея изоҳланади². Ҳар бир халқнинг ижтимоий ҳаётида ўзига хос хулқ атвор асосида шаклланган миллий, маданий, маиший, ижтимоий-сиёсий, диний ва бошқа анъаналари мавжуд. Шундай анъаналардан бири дуо қилиш анъанасидир.

Дуо нутқий жанри ўзига хос эътиқодий анъана сифатида тил тизимида муайян халқнинг ишонч-эътиқоди, одамларнинг турмуш тарзи, яшаш шароитлари, ижтимоий тартиб қоидалар, ахлоқ меёрлари, урф-одат, маросим кабилар ҳақида хабар берувчи нутқий жанрдир. Шу билан бирга, дуо нутқий жанри ижтимоий-тарихий ҳодисалардан, жамият ҳаётидаги жараёнлардан, кишилар ҳаёти ва фаолиятини баҳолаш ва белгилаш мезонидан хабар бериб, жамият ва одамларни бошқаришнинг маънавий омилларидан бири сифатида намоён бўлади. Дуо қилиш анъанаси ёшларни

¹ Хасанова Ф.М. Инглиз тилида дуо нутқий жанрининг лингвистик хусусиятлари ва таснифи масаласи, “УзМУ хабарлари” журнали, Тошкент, 2021, №1/5/2, 295-297 бет

² Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. 1 жилд. “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” давлат илмий нашриёти, Тошкент, 2000 йил, 375 - бет



тарбиялаш ва уларни кекса авлод вакилларига ҳурмат кўрсатишни ҳам назарда тутди. Шунга айтиш керакки, дуо нутқий жанри ҳар бир даврда ўзига хос мазмун ва шаклда намоён бўлиб, ҳозирги кунгача унутилмай келинаётган нутқий жанрлар сирасига кириди. Дуо нутқий жанри орқали нафақат муайян халқнинг турмуш тарзи, балки маданий камолот даражаси, миллий онг ва қиёфаси ҳам ифодаланади.

Ўзбек халқининг қадимдан таркиб топган, ҳозир ҳам кенг амал қилинадиган дуо қилиш анъанаси мазмунида кексаларга ҳурмат, қариндош уруғу, маҳалла кўй билан оқибатли, яқин алоқада бўлиш, эл-юртга садоқат, ҳашар, меҳмондўстлик, нонни эъзозлаш ва бошқа миллий қадриятлар акс этади. Бир сўз билан айтганда, дуо нутқий жанри яхши анъана сифатида ўзбек халқи онги ва ҳаётига сингиб кетган. Дастурхонда овқатланишдан сўнг дуо қилиш ўзбек халқи онгида халқнинг маънавий-диний анъанаси сифатида халқ онгига муҳрланиб кетганлиги фикримизнинг яққол далилидир.

Дуо нутқий жанрининг социолингвистик тадқиқи масаласи кўп қиррали бўлиб, бунда дуо нутқий жанрига тегишли ижтимоий идентификацион кўрсаткичларни (Social identity) белгилаб олиш мақсадга мувофиқдир. Буларга жинс (аёллар дуоси, эркеклар дуоси каби); гендер (а) аёлнинг сўзлаш ва ҳаракатланиш манъераси, стереотипининг ўзига хослиги, эркек манъерасининг ўзига хослиги каби), б) аёл ва эркекнинг жамиятдаги юқори мавқега эгаллиги муаммоси, ирқи (монголоид, европоид, негроидлар дуосидаги ижтимоий мавзуларнинг асосий, яъни биринчи ўринга кўйилиши, масалан, озодликдаги оқ танлилар дуоси, озодлик учун курашаётган қора танлилар дуоси мазмуни каби), этник келиб чиқиши (туркий халқлар дуоси, кипчоқлар дуоси каби), миллати (ўзбеклар дуоси, инглизлар дуоси каби), дини (христиан дуоси, мусулмон дуоси каби), ижтимоий келиб чиқиши (зиёли, ишчилар дуоси), ижтимоий мавқеи (раҳбар ҳодим дуоси, ишчи ҳодим дуоси), ижтимоий мезон, яъни баҳо (жамиятда сўзловчининг шахсий мавқеи, қадр, ахлоқий фазилатлари кабилар, масалан, ахлоқи бузуқ эркек ва аёллар дуосининг олинмаслиги ёхуд бундай кимсаларга дуо беришдан бош тортиш каби), ижтимоий яқинлик даражаси (қариндошлик ёки танишлик нуқтаи назардан узоқ, яқин, нейтрал: қариндошлик, биродарлик, ака ука, опа сингил, эр-хотин, ота-она ва бола дуолари каби), ижтимоий коллективизм ва индивидуализм (коллектив дуолар, шахсий дуолар), ижтимоий мезон (дуо орқали ижтимоий қадрсизлантириш, тенгсизлик: ўзбек маданиятида дуога қўл очмаслик, қисқа дуо қилишлик, қадрлашлар сонининг пасайиши ёки кимнидир исмини ёхуд қилган яхши ҳайрли ишларини дуода тилга олмаслик, жамоада халқнинг дуосига сазовор бўлишлик, жамиятда ман қилинган одатларни бажариш, ўғрилиқ, ватанга хоинлик қилиш кабиларда маҳалла оқсоқоллари, яъни эркеклар томонидан жамоавий дуо мазмунида ёмон тилакларга асосланган қарғишларнинг ташкил қилиниши, бу ерда маҳалла оқсоқолларининг ижтимоий қадр-қиймати ижтимоий меъёрларни бузмаганлиги, жамоа фойдасига меҳнати синганлиги сабабли ҳам ҳаммага ўрناк бўла олганлиги инobatга олинади ва шу каби ижтимоий мезонлар асосида аниқланади), сўзловчининг ижтимоий-маънавий даражаси (ўқиган инсонларнинг дуоси, ўқимаган



инсонларнинг дуоси каби), ижтимоий вазият (турли тадбирларда: байрам, таъзия каби) кабиларни киритиш мумкин. Бундан ташқари дуо нутқий жанрининг вербал, яъни матний тузилиши, новербал (ўзига хос ҳатти ҳаракатлар, имо-ишоралар) кабилар ҳам дуо нутқий жанрининг ижтимоий идентификацион кўрсаткичи бўла олади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. 1 жилд. “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” давлат илмий нашриёти, Тошкент, 2000 йил, 375 – бет
2. Хасанова Ф.М. Инглиз тилида дуо нутқий жанрининг лингвистик хусусиятлари ва таснифи масаласи, “УзМУ хабарлари” журнали, Тошкент, 2021, №1/5/2, 295-297 бет